



ШАРҚ ҲУҚОҚТ ВА РИВОЛТАРҲ

Иккинчи китоб

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 398(575)

КБК: 84(5)

Ш – 27

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи

ЭРГАШ ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Лойиҳа муаллифи

АҲРОР АҲМЕДОВ

Кенг ўқувчилар оммасининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб тузилган ушбу туркумнинг иккинчи китоби ҳам биринчи китобнинг мантиқий давоми бўлиб, Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётидаги энг ажойиб, пайғамбарлар, авлиёлар, буюк тарихий шахслар, улуғ донишмандлар, мутафаккир олим ва адиблар, халқ қаҳрамонлари ҳаёти билан боғлиқ машҳур, ислом маърифати ва тасаввуф ҳақиқатидан баҳс этувчи ибратли ҳикоят ва ривоятларни ўз ичига олади. Ҳар бири ибрат кўзгуси ва ҳикмат хазинаси бўлган, халқ донишмандлигини ўзида мужассам этган, забардаст олим ва адибларимиз тафаккури ва ҳаётий кузатишларининг маҳсули ҳисобланган ва асрлар давомида тилдан-тилга ўтиб, сайқал топган бу ҳикоят ва ривоятлар ҳикматга ташна халқимизга муносиб тухфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Тўпلامдан, шунингдек, донишмандлар пандномаси ва ҳаётий кузатишлар маҳсули бўлган ҳикматли сўзлар ҳам ўрин олган.

УЎК: 398(575)

КБК: 84(5)

ISBN 978-9943-26-861-6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2018 йил.

Шарқ насрининг гўзал дурдоналари

Шарқ шеърятининг энг машхур жанри рубоий бўлганидек, Шарқ насрининг энг гўзал дурдоналари ҳикоят ва ривоятлар хисобланади. Чунки ҳикоят ва ривоятлар кўп тўқиладиган, кўп ёзиладиган, кўп тўпланадиган, кенг тарқалган, энг кўп ўқиладиган ва оғиздан-оғизга ўтадиган ўзига хос маърифий-маънавий бадихалардир. Ўзида ибратли бир воқеани, ҳикматли фикрни, қизиқарли саргузаштни акс эттириши, ҳар қандай оғир ва чигал вазиятдан чиқиб кетиш йўл-йўриғини кўрсатиши, ҳаётнинг ҳар қандай ҳодисасига дуч келган кишига таскин ва умид бахш этиши, ақлни қайраши, кўнгилни руҳлантириши, ҳозиржавоблик, тадбиркорликка ўргатиши жиҳатидан у азалдан маърифат дастурхонининг энг тансиқ таоми бўлиб келган. Ўзаро суҳбатларда, давраларда, ваъзларда, ижод намуналарида улардан фойдаланмаган кишининг ўзи йўқ ҳисоби. Шарқда бирор-бир адабгина эмас, олим ҳам йўқки, ўз асарларида ҳикоят ва ривоятлардан у ёки бу даражада фойдаланмаган бўлса! Ўз фикрларини асослаш, тасдиқлаш, ривожлантириш, ҳаётий мисол билан кенг ва чуқур тушунтириш учун алломалар ҳам албатта ҳикоят ва ривоятларга мурожаат қилганлар. Қалам аҳли алоҳида-алоҳида ҳикоят ва ривоятлар тўпламлари тузганлар.

Маълумки, “ривоят” арабча сўз бўлиб, ҳикоя, қисса, афсона маъносини билдиради. Яъни, бировнинг тилидан бирор нарса нақл қилиш. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан тўқималар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя, фольклор жанри. Умуман, оғзаки нақл, ҳикоя. Ҳажми қисқа – икки ёки уч эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлмайди. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Ривоят асосида воқелик ва тарихий шахс билан боғлиқ ҳодисалар ётади. Ривоят тарихий ҳақиқатга асосланиб, мавзу жиҳатидан чекланмаган. Унда кўпроқ асрий тажрибалар оммалаштирилади, эзгу инсоний фазилатлар улуғланиб, бани башар табиатидаги ҳар турфа қусур ва иллатлар қораланади, машхур кишилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ибратли воқеалар ҳикоя қилинади, одоб-ахлоқнинг идеал меъёрлари

тарғиб-ташвиқ этилади. Айни хусусияти билан ҳар бир ривоят ўзига хос панднома, одобнома сифатида намоён бўлади.

“Ҳикоят” ҳам арабча сўз бўлиб, сўзлаш, гапириб бериш; нақл, ривоят; сўз; қисса, тарих маъноларини билдиради. Кимса, нарса ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг оғзаки тафсилий баёни. Айни пайтда, эпик турга мансуб энг кичик жанрдаги асар. Инсон ҳаётининг энг муҳим лаҳза ва ҳолатларини ўз ичига олади.

Ҳикоят Шарқ адабиётининг энг қадимий жанрларидан бўлиб, бу истилоҳ илк бор “Табарий тафсири”да тилга олинган. Шундан кейин адабий, тарихий, илмий, диний, тасаввуфий ва бошқа йўналишдаги асарларда ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, ахлокий-тарбиявий, диний-тасаввуфий ғоя ва мақсадларни тушунарли ҳамда қизиқарли баён этиш, фикр-мулоҳазаларни асослаш ва тасдиқлаш учун турли мавзудаги ҳикоятларга кенг мурожаат қилинган. “Қалила ва Димна”, “Қобуснома”, “Сиёсатнома”, “Наврўзнома”, “Бўстон”, “Гулистон”, “Баҳористон”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Гулзор”, “Паришон” каби панднома асарларда ҳикоятларнинг бутун бир силсиласини кўрамиз. Жалололдин Румийнинг олти дафтардан иборат муаззам “Маснавийи маънавий” асари, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий дostonлари ҳам ўз ичига кўпдан-кўп ҳикоятларни олади – улар гоҳ ҳикоя ичида ҳикоя, гоҳ муайян фикр тасдиғи учун келтирилади. Бу анъана ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Бу ҳикоятларнинг бир қисми ижодкорларнинг тафаккур маҳсули бўлса, бир қисми халқ ичида тилдан-тилга ўтиб келган ибратли ва қизиқарли воқеаларнинг қалам аҳли томонидан сайқал берилиб, ёзма адабиётга олиб кирилган намуналаридир. Улар турли таҳрир ва ишлов билан китоблардан-китобларга кўчиб юради. Шакли ва ҳажми ҳар хил бўлса-да, мазмуни айнан ёки ўхшашдир.

Ҳикоят ривоятнинг маънодоши сифатида ишлатилади. Чунки Шарқ адабиётида, асосан, ҳикоят термини қўлланган. Фарқи: ривоят асосида асосан тарихий воқелик ётса, ҳикоятда замон ва макон чегараси йўқ – тарихий воқеалар ҳам, замонавий ҳодисалар ҳам бирдай унинг мавзуи бўлаверади.

Худди мақол-матал билмаган ва кундалик ҳаётида улардан ўз ўрнида фойдаланмайдиган киши бўлмаганидек, жойини топиб ҳикоят ва ривоят келтирмайдиган, улар асосида бировларга йўл-йўриқ бермайдиган, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш йўлини кўрсатмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Мақол-маталлар каби ҳикоят ва ривоятлар ҳам нутққа мазмундорлик, қизиқарлилик ва таъсирчанлик бағишлайди.

Бадий асарлар ичида-ку муаллиф ёки қахрамон тилидан бирор ҳикоят ва ривоят келтирилмайдиган намуналар деярли учрамайди. Ҳатто илмий асарларда ҳам мавзуни тушунарли, қизиқарли ёритиш учун айни мазмундаги ҳикоят ва ривоятларга мурожаат қилинади.

Узоққа бориб ўтирмай, ўзимни мисол қилиб олай. Адабиётшунос ва таржимон бўлганим ҳолда, кўп йиллардан буён, бир томондан, ҳикоят ва ривоятларни тўплаб, улар асосида алоҳида тўпламларга тартиб бериб, иккинчи томондан, халқ ичидан шундай намуналарни йиғиб, кўрган-эшитганларим асосида ижод қилиб келаман. Мазкур тўпламнинг биринчи китобидаги охириги бобини ўзим тўплаган ана шундай ҳаётий ҳикоя ва ҳангомалар асосида шакллантирган эдим. Иккинчи китобда ҳам бу анъанани давом эттирдим ва ривожлантирдим. Китобнинг “Ҳаёт манзаралари” деб аталган ўнинчи бобини бошқа китобларда учрамайдиган, ўзим халқ ичидан ёзиб олган ва кўрган-эшитганларим асосида яратган ҳикоят ва ривоятлар ташкил этади. Ҳаётнинг ўзи каби ранг-баранг турфа тақдирлар баёни, хилма-хил воқеалар ифодасидан иборат гоҳ ибратли, гоҳ қизиқарли, гоҳ қайғули, гоҳ кулгили бу ҳикоялар ҳозирги кун одамларининг турмуш тарзини турли томонлардан акс эттириши, мавжуд ҳаёт ва шиддатли давр манзараларини кўз олдингизда гавдалантириши жиҳатидан уларни мутолаа қилиш жараёнида ўзингиз яшаётган замон нафасини туясиз, атрофингиздаги одамларнинг мақсад ва интилишлари, орзу-ҳаваслари, фикру хаёллари, туйғу-кечинмаларидан воқиф бўласиз.

Ҳикоят ва ривоятларни сидирғасига келтириш ўқувчиларни зериктириб қўймасин деган мақсадда ушбу тўплам ҳам аввалгиси каби мавзу ва йўналишига кўра бир неча бобга ажратилди.

Биринчи бобда – ислом олами, иккинчи бобда – ҳукмдорлар фаолияти, учинчи бобда – тариқат пирлари ва азиз-авлиёлар ҳаёти, тўртинчи бобда – ўтмиш, бешинчи бобда – замондош олиму адиблар билан боғлиқ, олтинчи бобда – мажозий мазмундаги, еттинчи бобда – турли тоифа ва табақадаги одамлар турмушидан олинган ҳикоят ва ривоятлар келтирилса, саккизинчи бобда – донишмандларнинг ҳикматли сўзлари берилади, тўққизинчи бобда – кўп йиллик ҳаётий кузатиш ва мушоҳадаларим маҳсули бўлган фикру мулоҳазалар, ўнинчи бобда – ўзим тўплаган ва ижод қилган ҳикоят ва ривоятлар, ўн биринчи бобда эса митти мулоқотлар деб номланган янги жанрдаги битиклардан намуналар тақдим этилади.

“Донишмандлар давраси” фасли асосан ўтмишда ўтган қомусий аллома ва мутафаккир адиблар ҳаёти, фаолиятига оид ҳикоят ҳамда ҳангомаларни ўз ичига олганлиги жиҳатидан, муайян андиша ва муло-

ҳазалар асосида замондош олиму шоир-ёзувчилар билан боғлиқ шундай намуналарни “Адабий гурунглар” номи остида алоҳида фасл қилдим.

Худди шундай “Маърифий мулоқотлар” фасли ҳам энг қадимги даврлардан ҳозирги кунгача яшаб ўтган пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар, олимлар, адиблар ва кўпни кўрган оддий одамларнинг тақдир, дунё, ҳаёт, замон, тириклик моҳияти ва инсон умрининг мазмуни, бани башарга хос хислат ва иллатлар ҳақидаги фикру мулоҳазаларини ўз ичига олади. Ёндафтар ва кундаликларимдан олинган айрим кузатиш ва мушоҳадаларим, ҳаётий хулосаларимни эса “Тафаккур бекати” деган алоҳида фаслда келтирдим.

Халқ ичидан ҳар хил оғзаки ижод намуналарини ёзиб юрар эканман, эътиборни ярқ этиб ўзига тортадиган қисқа савол-жавобларга дуч келдим. Уларни тўплаш жараёнида бу қисқа ва таъсирчан шакл ўзимга ҳам маъқул тушиб, шу усулда бир нималар ижод қила бошладим. Икки кишининг савол-жавобига, ўзаро мулоқотига, баҳсу мунозарасига, айтишувига асосланган бундай намуналар ҳозиржавоблик ва топқирлик маҳсули ҳисобланади. Мен уни турли вазиятларда ўзим бадиҳа тарзида ижод қилган ёки ўзим қаҳрамони бўлган намуналар билан тўлдириш баробарида ўзи билан ўзи суҳбат шакли билан бойитдим. Аслида ўзи билан ўзи суҳбат адабиётда мавжуд усул. Мен фақат уни қисқа шаклга кўчирдим ва ўзимни қийнаган саволларга ўзимнинг жавобларим, ўзимга берган таскин ва танбеҳларим, ўзим билан ўзим қилган суҳбатларим учун асос қилиб олдим. Ўзим ижод қилган намуналарнинг қаҳрамони асосан ўзим – улар ўзаро суҳбатлардаги ўзимнинг жавобларим, ўзимнинг ўзим билан баҳсу мунозараларим, ўзимга насиҳатларим, таъна-дашномларим. Ниҳоятда қисқалиги, асосан, бир саволга бир жавобдан иборатлиги учун бу ихчам жанрдаги намуналарни ўйлай-ўйлай “Митти мулоқотлар” деб атадим.

Митти мулоқотлар – савол-жавоб асосида қурилган мўъжаз жанр. Бунда гўё биров савол беради-ю, бошқа жавоб қилади. Баъзида киши ўзи билан ўзи гаплашади. Баъзида икки киши бир кишига маслаҳат беради ёки насиҳат қилади. Баъзида бировнинг фикрига биров қўшилади, бировнинг фикрини бошқа давом эттиради ёки рад этади ва ҳоказо.

Мен уларнинг баъзиларини халқдан айнан олиб, баъзиларига бир қадар сайқал бериб, ёзма адабиёт анъаналари асосида уларни ривожлантириб, янги намуналар билан бойитиб, яна халқнинг ўзига қайтаряпман. Оғзаки ва ёзма ижод унсурлари ўзаро омихта бўлиб кетган бундай митти мулоқотлар, ажаб эмас, адабий жанрлар қаторидан ҳам ўрин олса.

Бу мулоқотлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, улар ичида хазил-мутойибалар, киноя-пичинг, ҳаётий кузатишлар, халқ донолиги, фалсафий мушоҳадалар, ҳикмат, таъриф, танқид ҳамда қайроқи фикрлару теша тегмаган образли иборалар, соддалик ва жиддийлик, жайдарилик ва тўпорилик, билиб билмаганга олиш-у ўзини овсарликка солиш, тушлар таъбири, ирим-сиримлар, мақолу топишмоқлар, ғийбату маломат, қисқаси, одамлар ҳаёти ва ўзаро мулоқотидаги барча кўринишлар мавжуд.

Шарқ ҳикоят ва ривоятларини бир ерга тўплаш йўлидаги илк уриниш маҳсули сифатида дунёга келган ушбу тўплам барча ёшдаги ва ҳамма тоифадаги ўқувчилар оммасига маъқул келади, деб ўйлаймиз. Айни пайтда, тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятига юборишларингизни сўраймиз – ҳикоят ва ривоятларнинг кейинги жилдларини тайёрлашда улардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

МАЪРИФАТ ДАФТАРИ

Тавба қабули

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг тавбасини қабул айлаганда малаклар уни қутлашга келади. Жаброил¹ билан Микоил унга:

– Эй одам, Аллоҳ тавбангни қабул этди. Энди бундан бу ёғи хузурга эришдинг, – дейишибди.

– Эй Жаброил, – дебди Одам Ато, – бу тавбадан сўнгра бир савол-жавоб бўлса, менинг ҳолим нима кечади?

Шунда Аллоҳ таоло унга шундай вахий айлабди:

– Эй Одам, зурриёдингга тўрт захмат ва меҳнат келтирдинг. Шунингдек, тавбани ҳам уларга мерос қолдирдинг. Сенинг дуоингни ижобат қилганим сингари уларнинг ҳам менга муножотларини ижобат этарман. Тавба қилганларнинг ҳам барча талаб ва дуоларини қабул қилурман.

Жаброил

Бировларнинг айбу нуқсонларини, янглиш-хатоларини кўриб, уни бошқаларга айтмасангиз, Аллоҳ сизни ўз паноҳида асраб, етмиш гуноҳингиздан кечади.

Аллоҳ бир гал Жаброилдан сўрайди:

– Ё Жаброил, сени инсон қилиб яратганимда Менга қандай сиғинардинг?

– Ё Аллоҳим, – дейди Жаброил, – ҳамма нарса ўзинга равшан: ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам, бўлажак ёхуд бўлиши мумкин бўлгани ҳам... Назарингдан еру самода ҳеч нарса пинҳон эмас. Сенга нечук сиғинишим ҳам ўзинга аён...

¹ Жаброил, Исрофил, Микоил, Азроил – исломдаги тўрт фаришта. Жаброил – Аллоҳ билан пайғамбарлар ўртасида элчилик қилади. Исрофил – киёмат куни келганини билдириб, сурнай чалади. Микоил – коинотни бошқаради. Азроил – жон олади.

– Балли, Жаброил, – дейди Парвардигор. – Мен чинданам биламан, лекин бандаларим беҳабар. Айт, улар эшитиб сабоқ олсин.

Шунда Жаброил дейди:

– Аллоҳим, мен инсон бўлганимда Сенга уч йўсинда сиғинардим. Биринчидан, сувсиз ташна қолганларга сув берардим. Иккинчидан, бошқаларнинг айбини ошқор этмасдим. Учинчидан, камбағал, бева-бечораларга ёрдамлашардим.

– Шундай қилишингни билганим учун ҳам сени пайғамбарларимга ваҳийларимни етказувчи қилиб танладим, – дейди Парвардигор.

Жудони таниши

Иброҳим алайҳиссалом қавми бутларга сиғинарди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳни топмоқчи бўлади. Кўкдаги ёруғ юлдузга боқиб:

– Шу – менинг Аллоҳим! – дейди.

Кейин осмонда ой кўринади. У юлдузга нисбатан катта ва ёруғ эди. Иброҳим алайҳиссалом ойга боқиб:

– Шу – менинг Аллоҳим! – дейди.

Кейин қуёш чиқиб, ой ҳам, юлдузлар ҳам кўринмай қолади. Иброҳим алайҳиссалом:

– Шу – менинг Аллоҳим, У – катта! – дейди.

Қош қорайиб, қуёш ботади. Иброҳим алайҳиссалом дейди:

– Ҳамма нарсаларни ўзгартириб, яна уни ўз ўрнига қўювчи – менинг Аллоҳим! Ана шу ўзгаришларнинг ортида турувчи – менинг Аллоҳим!...

Мон ва мол

Тангри таоло Иброҳим алайҳиссаломни Намруд¹ ёққан даҳшатли оловдан омон сақлайди. Пайғамбар бунинг шукронаси учун минг кўй, уч юз хўкиз, юз туяни қурбон қилади. Бу қадар саховат билан қилинган қурбонликни илгари ҳеч кимса кўрмаган эди.

– Нега бу қадар катта қурбонлик қилдинг? – деб сўрашади ундан.

– Мен Аллоҳимга жонимни қурбон қилмоқчи эдим. Нега молимни қурбон қилмай? Аслида ўша молим кимники? Молу жонимнинг эгаси, ягона ҳукмдорим – Аллоҳ. Бу қурбон қилганларим ҳеч нарса

¹ Намруд – Иброҳим пайғамбарни ўтда ёққан афсонавий золим шох.

эмас. Мен бисотимдаги энг азиз, энг қимматбаҳо нарсани Аллоҳимга қурбон қилишга тайёрман. Агар ўғлим бўлганида, Аллоҳим амр этса, уни ҳам қурбон қилардим, – дейди у.

Аллоҳнинг амри

Парвардигор Иброҳим алайҳиссаломга ўғил ато этади. Исмоил алайҳиссалом дунёга келади. Унда ёшлигиданоқ пайғамбарлик аломатлари зоҳир бўлади. У ҳамиша отасига ҳамроҳлик қилар, ҳали бола экан, энг мураккаб диний баҳсу мунозараларда иштирок этарди.

Бир кеча Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳни туш кўради. Аллоҳ унга дейди:

– Берган ваъдангни адо эт. Ўғлим бўлганида, уни Аллоҳ йўлига қурбонлик қилган бўлардим, дегандинг. Ўша ваъдангни бажар...

Эртаси куни Иброҳим алайҳиссалом кўрган тушини ўйлайди. Аллоҳ илгари ҳам унинг тушига кирган, билардики, Парвардигор одамни қурбон қилишга қарши, зеро, бирор пайғамбарга бу ишни буюрмаган. Шуни ўйлаб, яна юзта туяни қурбонлик қилади.

Кечаси Аллоҳ яна Иброҳим алайҳиссаломнинг тушига кириб:

– Берган ваъдангни бажар, – дейди.

Эрталаб Иброҳим яна ўй-андишаларга чўмади. Аллоҳ одамзодни қурбон қилишни ҳеч қачон истамаган деб, яна юзта туясини қурбон қилади.

Учинчи кеча Аллоҳ яна Иброҳим алайҳиссаломнинг тушига кириб:

– Ягона ўғлингни қурбон қил, – деб буюради.

Тонг ёришгач, Иброҳим алайҳиссалом Парвардигорнинг буйруғини бажаришга қарор қилади. Ўғли Исмоилни эргаштириб, қурбонлик қиладиган жойга боради. Шайтон йўл-йўлакай Иброҳим алайҳиссаломни йўлдан оздирмоқчи бўлади:

– Наҳотки биттаю битта ўғлингни бўғизласанг? – дейди у. – Ҳатто ҳайвон ҳам қилмайди бу ишни.

Иброҳим алайҳиссалом жавоб беради:

– Айтганларинг чинга ўхшайди. Аммо Аллоҳим менга амр этди. Мен унинг амрини адо этаман!

Шайтон Исмоилнинг онаси Ҳожарнинг олдига боради.

– Иброҳим ўғлингни қурбон қилмоқчи, – дейди лаъин.

– Менинг эрим – Аллоҳнинг пайғамбари. Аллоҳ не буюрса, шуни адо этади, – деб жавоб беради Ҳожар унга. Яна дейдики: – Аллоҳим истаса, бас, мен ҳам унга жонимни қурбон қиламан. Қорангни ўчир, мени тинч қўй!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5388> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5388> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на
сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5388>